



№ 08/46882 « 22 » 12 2021y.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги
қошидаги “Эл-юрт умиди”
жамғармаси

Ўзбекистон Республикасининг Куала-Лумпур шаҳридаги Элчихонасидан олинган маълумотга кўра, Бруней-Даруссалом томонидан 2022-2023 ўқув йилида Ўзбекистон вакилларига қуйидаги университетларда бакалаврият ва магистратура дастурларида таҳсил олиш учун грантлар ажратилган:

- Бруней-Даруссалом университети;
- Султон Шариф Али номидаги Ислом университети;
- Бруней технология университети;
- Бруней политехника университети;
- Диний ўқитувчиларни тайёрлайдиган университет коллежи.

Таълим гранти ўқиш, яшаш, овқатланиш, халқаро авиачипталар ва ўқув материаллари билан боғлиқ харажатларни ҳамда тиббий суғурта ва стипендияни ўз ичига олади.

Маълумот учун: батафсил маълумотлар қуйидаги ҳаволада мавжуд:
<http://www.mfa.gov.bn/Pages/bdgs/bdgs2022.aspx>.

Ўқув йили 2022 йил июль-август ойларида бошланади. Аризалар (илова қилинмоқда) жорий йил 15 февралга қадар электрон почта орқали applybdgs2022@mfa.gov.bn манзилига юборилиши талаб этилади.

Кўриб чиқишни сўраймиз.

Илова: 16 б.

Вазир ўринбосари

Ф.Сидиков